

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма ҳуқуқида УДК: 809.51-1
ББК: 81.2-5
Е-59

Ергешева Шахло Рахимжоновна

**Хитой тили пиллачилик терминларининг
лексик-семантик ва структур таҳлили**

5A2201102 Лингвистика (Хитой тили)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: ф.ф.н. доц., А.А.Каримов

Тошкент 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. Тилшуносликда термин ва унинг хитой тилидаги хусусиятлари	11-21
1 § Терминларни моносемантиклиги	12
2 § Терминологияда полисемантика	14
II боб Пиллачилик терминларининг лексик-семантик таҳлили.....	21-28
1 §. Пиллачиликда харакат сўзлари.....	22
§2.Пиллачиликга оид исмий сўзлар.....	23
III боб. Пиллачилик терминларининг структур тузилиши ва миқдорий таҳлил.....	29-47
1 §.Пиллачилик терминларининг структурасида композиция усули.....	30
2 §.Пиллачилик терминларининг структурасида аффиксация усули.....	36
3 §. Ҳозирги хитой тилида пиллачиликга оид терминларининг миқдорий таҳлили.....	42
ХУЛОСА	48
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	52
Илова	56

КИРИШ

Маълумки ипак қурти ва ипак матоларни ватани Хитой. Хитой кадимдан ипакчилик билан шуғулланиб келувчи давлатдир. Ушбу саноатни узок вақт мобайнида сир сахлаб келишларига қарамасдан у бошқаларга ҳам маълум бўлди. Хитой тили ипакчилик билан боғлиқ бўлган терминларни ўрганиш жуда муҳим ва долзарб ишлардан бири десак ҳеч муболаға бўлмайдиги. Ўзбекистонда ипакчиликни ривожлантириш бу қишлоқ хўжалигимизни ривожлантириш билан баравардир.

Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз. Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод ҳаётимиз янада фаровон бўлади.¹

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. ХХР иқтисодий ва харбий салоҳиятини ривожланиши ва тинчликсеварликка асосланган ташқи сиёсати унинг халқаро алоқалардаги обрў-эътиборининг кучайиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Икки давлат ўрасида 19 йил ичида 200 дан зиёд Ўзбек-Хитой шартномалари имзоланди. Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида, ҳоҳ у сиёсат, ҳоҳ у иқтисод, ҳоҳ ижтимоий соҳасида ушбу ҳамкорликнинг натижаси элароқ янгидан янги қўшма корхоналар доирасида ҳамкорлик кучайиб бормоқда. Хусусан қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам кўзга

¹ www.jahonnews.uz

кўринган ўзгаришлар, ҳамкорлик кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон дунёда 4 та йирик ипак ишлаб чиқарувчи давлатлар каторига кирган.

Охирги йилларда давлатимизнинг ипак ишлаб чиқариш буйича курсаткичлар тезкор равишда ортиб бормоқда. Хар йил биз 17 дан 20 минг тоннагача тирик пилла ишлаб чиқарамиз, улардан тахминан 6-6,5 минг тонна курук пилла чиқади. Шу билан бирга бизнинг экспорт курсаткичларимиз ҳам ошиб бормоқда. Агар 2000 йилда у тахминан бир миллион АКШ долларни ташкил қилган булса, утган йилда эса бу курсаткич 16 баробарга кўпайди. Биз Хитой, Хиндистон, Бангладеш, БАА давлатларига ҳам ипак ва курук пилла экспорт қиламиз. Уруғлик пилла ишлаб чиқарадиган кўшма корхоналар очиш буйича ишлар олиб борилмоқда. Бунга “Ross-Gren-Tex” грэн заводини мисол қилсак бўлади. “Ross-Gren-Tex” кўшма корхонаси Россия, Хитой ва Ўзбекистон билан ҳамкорликда очилган уруғлик заводидир. Бунга яна Самарқанд ва Навоий грэн заводларини мисол тариқасида келтирсак бўлади. Бундай уруғ заводлари Ўзбекистонимизда жуда ҳам кўп ва яна кўпайиб бормоқда. Ватанимизнинг асосий максоди, нафакат ҳам ипак, балки Жахон бозорида рақобатбардош булган тайёр ипак матолар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир.

Ипакни игирувчи (шелкоматальное) фабрикалар ҳам тобора кўпаймоқда. Улардан: Тошкентдаги “Hua-Lu Silk”, Бухородаги “Hua-Sheyn”, Фарғонадаги “Silver Silk” лар ва бошқалар. Улар Хитой билан баъзилари эса Хиндистон билан ҳамкорликда ишлайдиган фабрикалардир. Бу корхоналар ўз маҳсулотларини Эрон давлатига экспорт қилади. Бундан кўриниб турибдики пиллачилик соҳасида олиб борилаётган ишлар юқори кўрсаткичларни бермоқда.

Мавзунинг долзарблиги - айнан шу фактлар замирида ўз аксини топади. Пиллачилик соҳаси терминологиясини тилшунослик нуқтаи назаридан чуқур илмий ва назарий таҳлил этиш эҳтиёжи туғилмоқда. Бу эҳтиёж, авваламбор, ўзбек мутахассислари томонидан хитой тилини ўрганишга, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожланишнинг янги поғоналарига олиб чиқишга нисбатан олиб бораётган талабларидан келиб чиқади. Қолаверса Ҳозирги кунга қадар Хитой тилидаги пиллачилик соҳаси лексикаси, унинг семантик хусусиятлари хитой тилшунослигида умуман тадқиқ этилмаган.

Мазкур магистрлик диссертация ҳозирги хитой тилидаги пиллачилик соҳасидаги терминларнинг лексик-семантик ва структур ҳамда уларнинг ясалиш хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган.

Кўшни Хитой билан тенг ва ўзаро манфаатдорликка асосланган муносабатларни тараққий эттириш замирида хитой тилини хусусан пиллачилик соҳаси терминларини чуқур ўрганиш, уларни амалиётда қўллаш катта аҳамиятга эга.

Магистрлик диссертациянинг объекти.

Ишнинг объекти сифатида ҳозирги хитой тили пиллачилик соҳасига оид 120 та термин танлаб олинди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Хитой ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1991 йил 2 январда дипломатик алоқаларни ўрнатилиши пиллачилик соҳада ҳам ўз аксини топди. Ушбу соҳада ишлатиладиган сўзлашув қонун-қоидалари, хужжатлар мажмуаси шакллана бошлади.

Хитой тили пиллачилик соҳаси терминларининг семантик, структур ва ясалиш хусусиятларига бағишланган лингвистик ишлар йўқ. Пиллачиликга бағишланган Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик

фанлар академиясининг нашрлари мавжуд, шулардан биз “Шандун вилоятида пиллачилик” номли китобидан кенг равишда фойдаландик. Лекин бу китобларда пиллачиликга оид атамалар лингвистик жиҳатдан ўрганилмаган ва махсус қўлланмалар ҳам яратилмаган.

Ишнинг мақсади.

Магистрлик диссертациямиздан асосий мақсад ҳозирги хитой тили пиллачилик соҳасига оид терминларини лексик-семантик ва структур жихатдан ўрганиш ва таҳлил этишдир.

Ишнинг вазифалари.

Магистрлик диссертациямиз асосий мақсадидан келиб чиқиб, биз ўз олдимизга қуйидаги бир қанча вазифаларни белгилаб олдик:

- 1) Ҳозирги Хитой тили пиллачилик соҳасига оид терминларни ажратиб олиш.
- 2) Терминларнинг лексик-семантик жиҳатдан таснифлаш
- 3) Пиллачиликга оид терминларни структур жиҳатдан таҳлил қилиш.
- 4) Уларнинг ясалиш усулларини ўрганиб чиқиш.
- 5) Диссертация мазмунидан ва оборилган тадқиқотлар натижасида маълум хулосалар чиқариш.
- 6) Иш асосида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқариш.

Асосий манбалар.

Асосий манбаа сифатида “山东蚕桑”² номли китобни олдик. Ушбу китоб Хитой Халқ Республикаси Шандун вилояти пиллачилиги ҳақида бўлиб, ундан керакли терминларни танлаб олдик. Бундан ташқари магистрлик диссертациямиз мавзусига доир тематик луғатлардан ҳам материал еғишда кенг фойдаландик. Шу билан биргаликда шу соҳага оид турли хужжатлар ҳам амалий материал сифатида ўрганилди.

Ишнинг назарий-методологик асослари.

Тадқиқотда машҳур хорижий ва ўзбек тилшунос олимлари А.А.Реформатский, В. И.Горелов, В.М.Солнцев, О.П.Фролова, А.А.Хаматова, Люй Шу сян, Ван Ли, Чжао Юань жен, А.Хожиев, М.Х.Махмудходжаев, А.А.Каримов, С.А.Носирова ва Л.А.Султанова илмий - назарий қарашлари акс эттирилган асарларига суяндик. Хусусан ўзбек хитойшуносларидан А.А.Каримовнинг хитой тили сўзларининг лексик-семантик ва структур жихатдан ўрганиш назариясидан фойдаландик.

Ишнинг илмий янгилиги.

- Биринчи марта хитой тили пиллачиликга оид терминларининг лексик –семантик ва структур таҳлили амалга оширилди;
- Пиллачилик терминларининг ҳосил бўлиш усуллари таҳлил этилди;
- Сохавий тил умумий тил тизимидаги қуйи поғанаси эканлиги хитой тили пиллачилик терминологияси асосида исботланди.

Илмий - тадқиқот методлари.

Тўпланган материаллар ҳозирги тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган таснифлаш, таҳлил қилиш, таржима ва интерпретация, жадваллаштириш, таърифлаш илмий – тадқиқот методлари ёрдамида ўрганилиб магисторлик диссертацияси ёзилди.

Иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Магистрлик диссертациямизнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги хитой тили пиллачилик соҳасига оид терминлари биринчи марта лексик - семантик жихатдан ўрганиляпти.

² 山东蚕桑，山东省农业科学院化德公主编，北京 2002 年，662 页

Терминларнинг структур тузилиши, ясаиш хусусиятлари тахлил қилиниб, объектив таъриф берилди.

Магистрлик диссертациямизнинг материаллари хитой пиллачилик тажрибасини ўрганишда, шарқшунос филологлар учун хитой тили лексикологиясига оид махсус курслар, масалан: “Хитой тили терминологияси”, “Ҳозирги замон хитой тили лексикаси” ва бошқаларни тайёрлашда, хитой тилдидан дарсликлар, қўлланмалар ҳамда “Хитойча ўзбекча луғатлар”ни тузишда, пиллачилик соҳасидаги хужжатлар мажмуасини ишлаб чиқишда ва икки давлат ўртасидаги шартномаларни тузишда ёрдам бериши мумкин.

Магистрлик диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Магистрлик диссертациямиз кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ҳар бир боб ўз мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бир қанча параграфларга бўлинган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг объекти, мақсад ва вазифалари, назарий-методологик базаси, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги батафсил тарзда ёритилган.

Биринчи боб - “Тилшунослигида термин ва унинг хилоф тилидаги хусусиятлари” деб номланади. Ушбу бобда биз умумий тилшуносликда терминларга нисбатан мавжуд бўлган қарашларни келтириб, қайси таърифга суянишимизни кўрсатганмиз. Шу билан биргаликда хитой тилидаги хусусиятлари ҳақида ҳам сўз юритамиз. Биринчи боб ўз ўринда икки параграфга бўлинади, биринчиси “Терминларни моносемантиклиги” деб номланади, бу параграфда терминларни асосий хусусияти, яъни моносемантиклиги ҳақида сўз юритилади ва хитой

тилидан маълим мисоллар келтирилади. Иккинчи параграф “Терминологияда полисемантика” деб белгиланган.

Иккинчи боб – “Пиллачилик терминларининг лексик-семантик таҳлили” деб номланган бўлиб бу бобда терминларнинг лексик-семантик таснифи берилган. Боб икки параграфдан иборат, биринчиси пиллачиликда ҳаракат сўзлари ва унинг турлари деб номланади, иккинчиси эса пиллачиликдаги исмий сўзлар деб.

Учинчи боб – “Пиллачилик терминларининг структур тузилиши ва миқдорий таҳлил натижалари” деб номланган бўлиб у уч параграфга бўлинади. Биринчи параграф “Пиллачилик терминларининг структурасида композиция усули” деб берилган. Бу ерда пиллачилик терминлар орасидаги қўшма сўзлар композиция усули орқали таҳлил қилинган. Иккинчи параграф “Пиллачилик терминларининг структурасида аффиксация усули” деб номланади ва ясама терминларни аффиксация усули билан боғлаган ҳолда ўрганилади. Оҳирги параграфда “Ҳозирги хитой тили пиллачиликга оид терминларининг миқдорий таҳлили” берилган. Миқдорий таҳлил хитой тилида ёзилган соҳа мақоласи “Ипак қуртининг ҳаёт тарзи” ҳамда пиллачилик атамалари луғати асосида қилинган статистик тадқиқ натижасидир.

Хулосада тадқиқ этилган материаллар таҳлилидан келиб чиқадиган асосий натижалар, назарий ва амалий умумлашмалар баён этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида асосий хитой тилидаги манбалар, рус ва ўзбек тилларида ёзилган адабиётлар номи, луғатлар ва интернет ресурслари, сайтларнинг номи акс эттирилган.

Илова қисмида эса магистрлик диссертацияга матириал бўлиб хизмат қилган хитойча мақола, унинг таржимаси ва диссертант тузган қисқача хитойча ўзбекча пиллачилик терминларининг луғати ўрин олган. Ишнинг умумий ҳажми 58 бетни ташкил этди.

I боб. Тилшунослигида термин ва унинг хитой тилидаги хусусиятлари

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, юртимизда фан, техника, маданиятнинг деярли барча соҳалари вужудга келди ва мислсиз ривожланиб келмоқда. Бу эса ўзбек тилида ушбу соҳаларга оид терминларни юзага келтирди. Уларнинг асосий кўпчилиги тилда пухта ўзлашган, оммалашган, стабиллашган бўлсада, айрим терминлар хато ва камчиликлардан холи эмас.

Терминни таърифлаш учун, одатда, у сўз билан қиёс қилинади. Лингвистик адабиётда, терминологияга бағишланган илмий ишларда ҳар қандай термин сўздир, лекин ҳар қандай сўз термин бўлолмайди деган фикр эътироф қилинади.

Демак, авваломбор термин билан сўзни чегаралаб олиш керак. Терминнинг маъноси, моҳияти, унинг номидан келиб чиқади. Терминус - чегара, чек демакдир ³. Бинобарин термин чекли, чегараланган, аниқроғи бир маъноли сўздир. Сўзларнинг кўп маъноли бўлиши табиийдир. Маълумки ҳар қандай сўз туғилишида бир маъноли бўлади, лекин инсон жамияти тараққиёти давомида у кўп маъноли сўзга айланиб боради.

Тушунчаларнинг ана шундай ҳаракати, ўзгаришлари янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши тилнинг луғат таркибида бевосита ўз аксини топади. Аммо жамият тараққиёти давомида юзага келаётган барча янги тушунчалар, воқеа, ҳодисаларни ифодалаш учун тилда ҳамма вақт янги сўз яратилавермайди. Бунинг учун кўпинча тилда мавжуд бўлган сўзлардан фойдаланилади. Масалан, “кўз” сўзи дастлаб сезги органларидан бири маъносида келган бўлса, ўхшатиш орқали

“ойна кўзи”, “ёғочнинг кўзи”, “узукнинг кўзи”, каби иборалардаги маъноларни олиб, кўп маъноли сўзга айланиб борган. Шундай қилиб, кўп маъноли сўзлар кишилик жамияти тараққиётининг, тил тараққиётининг табиий маҳсулидир.

Кўчма маъноли сўз нутқда, ҳар бир конкрет ҳолда ўзининг маълум бир маъносида ишлатилади, яъни бир маъноли сўз сифатида реаллашади. Ҳар бир айрим ҳолда сўзнинг қандай маънода ишлатилганлиги контекстдан, бирикмадан англашиб туради. Масалан, “кўкдаги юлдузлар” деганда “кўк” сўзи осмонни билдиради.

Термин эса чекланганлиги, яъни бир маънолиги туфайли махсус контекстда ҳамма вақт ўз маъносини сақлайди. У эмоционаллик ва экспрессивлик хусусиятларига эга эмас. Ҳеч қандай интонация термин маъносини ўзгартираолмайди.

§1. Терминларни моносемантиклиги

Терминнинг бир маънолилиги ҳақидаги талаб баъзан англашилмовчиликларга сабаб бўлади, чунки термин сўз сифатида умумий адабий тилда кўп маънода ишлатилиши ҳам мумкин. Айрим терминлар ҳатто, умумий адабий тилдаги кўп маъноли сўз негизида вужудга келади. Масала шундаки, терминнинг бир маънолилиги тўғрисида сўз борар экан, ҳамма вақт унинг маълум терминологик системага мансублиги кўзда тутилади. Хитой тили пиллачилик соҳасига оид мисол келтирсак:

蚕子 canzi - *ипак қурти* 蛾子 ezi - *капалак*

茧子 jianzi - *пилла*

³ Entsiklopedik lugʻat. T 1990 yil.262 bet.

蚕蛹 canyong - *гумбак (куколка)*

Маълумки , ҳар бир соҳанинг ўзига хос тушунчалари бўлади. Шу тушунчалар мажмуи шу соҳанинг тушунчалар тизимини ташкил қилади. Унга мос терминлар мажмуи эса шу соҳанинг терминологик системани, бошқача қилиб айтганда терминологиясини ташкил қилади.

Демак, терминология тор маънода маълум бир соҳага оид махсус лексикадир. Кенг маънода эса, терминология умумий луғат таркибининг айрим соҳаларида ишлатиладиган қисмидир. Термин маълум бир терминологик системанинг аъзосидир ва шу терминологик системада биргина маънога эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, терминни қуйидагича таърифлай оламиз: **термин маълум бир соҳада аниқ бир маънога эга бўлган сўз**дир. Баъзилар маълум бир сўзнинг термин бўлиши учун унинг қўлланиш доираси бирор соҳа билан чекланиши шарт, яъни маълум бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ва сўз бирикмалари термин бўлаверади дейдилар.

Бу қарашни тўғри деб бўлмайди, чунки тилда маълум тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўзлар кўп. Улар фақат бирор терминологик система аъзоси сифатида қаралгандагина термин бўла олади.

Хитой тили терминологиясига оид китобларни муаллифи О.П.Фролова эса “терминология” га шундай таъриф беради: “маълумки фаннинг атамалар тизими сифатида тушунчалар тизимига мувофиқ бўлади, ҳар қандай тушунчалар тизимига аниқ бир атамалар тизими боғлиқ бўлади.⁴ Фан ривожланиши билан атамалар тизими ҳам ривожланиб боради.

⁴ О.П.Фролова. Словообразование в терминологической лексике китайского языка.Н.,1981г.

Ҳар қандай термин терминологик системага мансуб бўлиши билан бирга сўз сифатида тилнинг бойлиги ҳамдир. Терминология умумхалқ тилнинг лексикаси негизида вужудга келади ва бойиди. Ўз навбатида у умумхалқ тилининг бойиши учун хизмат қилади. Терминологик лексика умумхалқ тили лексикасининг ажралмас қисми сифатида у билан бирга ривожланади, жамият ва тил тараққиётидаги барча жараёнларни бошдан кечиради.

Термин, умумий адабий тилда маъно доирасини кенгайтиргани билан, терминологик системада ўзнининг моносемантиклик хусусиятини йўқотмайди. Бошқача қилиб айтганда, термин маълум бир терминологик системанинг аъзоси сифатидагина бир маъноли сўздир, умумий адабий тилда эса, у ҳар қандай сўз сингари, турли маъноларда ишлатила олади.

§2. Терминологияда полисемантика.

Умумий адабий тилда кундалик нутқда сўзнинг кўп маънолиги (полисемантилиги) кишиларнинг бир-бирларини тушинишларига сира ҳам асарларни ўқиш ва тушинишни қийинлаштирмайди. Аксинча сўзнинг кўп маънолиги тилнинг бойлигидир. Кўп маъноли сўзлар тилнинг ифода қувватини оширади, ҳар қандай нозик фикрларни ҳам ифодалаш имкониятини беради. Терминологияда эса терминнинг кўп маънолилиги кишиларнинг бир-бирларини тушинишларини қийинлаштиради, ўқиш ва ўқитиш жараёнларини мураккаблаштиради, фан ва техника ютуқларини оммага етқизишда маълум даражада халақит беради.

Терминларнинг кўп маънолилиги (полисемия) каби синонимия (бир терминологик маънода бир неча параллел терминларнинг

ишлатилиши) ҳам терминологиянинг катта нуқсонларидан биридир. Ўзбек тили терминологиясида синонимик, параллел, дублет терминларнинг қандай йўллар билан юзага келиши тўғрисида қуйида алоҳида тўхтаб ўтамиз.

Терминологияда полисемия ва синонимия сингари омонимия (яъни бошқа терминологик маънодаги шаклдош сўзлар) ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Агар умумий адабий тилда синонимия, омонимия ва полисемия тилнинг бойлиги бўлса, терминологияда бу ҳодисалар турлича чалкашлик ва англашилмовчиликларга сабаб бўладиган нуқсондир.

Термин тузилиши жиҳатидан аниқ бўлиши, яъни тушунчанинг моҳиятини ёки энг асосий белгиларини аниқ ифодалаш керак. Тузилиш жиҳатидан ихчам, қисқа ва қулай бўлиши керак. У системали бўлмоғи керак. Шуни ҳам айтиш керакки, тилда терминларни қўллашдан асосий мақсад ҳар қандай мураккаб фикрни ихчам, осон ва тушинарли ифодалаш, шу йўл билан фикр алмашинуви процессини осонлаштиришдир. Дарҳақиқат, “сермеҳнат” мисолидаги каби термин ўрнига шу термин ифодалаган тушунчанинг узундан-узоқ таърифи ишлатилса, фикр ва тушунчаларнинг ифодаси узайиб, мураккаблашиб, фикр алмашинув жуда ҳам қийинлашади. Термин номинатив (яъни аташ) функциясидан ташқари, коммуникатив (яъни алоқа) функциясига ҳам эга. Терминнинг коммуникатив функцияси тилнинг функциясидан келиб чиқади, чунки, “Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир”. Терминология эса тил лексикасининг таркибий қисмидир.

Айни замонда ҳаёт талаби, Ўзбекистонда саноат, фан, техника, маданият, спорт ва қишлоқ хўжалигининг равнақи ўзбек тилида терминологик лексика салмоғини кундан-кунга оширмоқда. Ҳозир

Ўзбек тилида фан ва техниканинг деярли барча соҳаларига оид термин ва терминологик системалар вужудга келди. Улар, асосан ,таржима ва оригинал асарлар яратиш процессида юзага келмоқда. Бироқ ўзбек тилида шу кунгача тўпланиб қолган бой терминология ва терминологик тажриба ўрганилмай ва умумлаштирилмай келаётир. Натижада умумхалқ адабий тилда мустаҳкам ўзлашган, оммалашган терминлар қаторида, терминология иши ва назариясининг терминология практикасидан, ҳаёт талабларидан орқада қолиб бораётганлиги туфайли, озми-кўпми номувофиқ (дублет, полисемантик, ноқулай, ноаниқ ва бошқа) терминлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Кўрамизки ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз ёки терминнинг бирор терминологик системада термин сифатида қабул қилиниши учун у, бир маъноли бўлишидан ташқари, алмаштирилаётган терминга адекват, яъни ҳар жиҳатдан тенг бўлиши ҳам керак. Бу ерда терминларнинг яна бир ҳусусияти устида тўхтаб ўтиш ўринлидир.

Модомики ҳар қандай термин сўз экан, унинг терминологик маъносидан ташқари луғавий маъноси ҳам бўлади. Шу жиҳатдан терминларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: **1)луғавий маъноси билан терминологик маъноси мос терминлар; 2) луғавий маъноси билан терминологик маъноси мос бўлмаган ёки зид терминлар; 3) нейтрал терминлар.**

Биринчи гуруҳдаги терминлар ўзи ифодалаган тушунча ҳақида энг яққол тасаввур беради (ўзбек тилида: *гилдирак*, *халқа* ва хитой тилида: 轮子 lunzi, 圈子 quanzi)

Иккинчи гуруҳдаги терминлар маълум даражада шартлидир. Масалан, жонли *куч* термини ҳаракатдаги жисм энергиясини (кинетик энергияни) [хитой тилида: 力(气) li(qi)], от *кучи* эса 75 км/сек га тенг

куватни билдиради. Бу терминларда тушунчаларнинг ҳеч қандай белгиси йўқ, чунки кинетик энергия жонли ҳам эмас, “от кучи” эса куч эмас, қувватдир [хитой тилида: 马(力) ma(li)]. Бу терминлар фақат ўзлашиб кетганлиги сабабли ўзлари ифодалаган тушунча ҳақида сўз бораётганлигини билдиради.

Учинчи гуруҳдаги терминлар, асосан бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлардир. Улар ўзлари ифодалаган тушунча билан бирга қабул қилинади, лекин ўзлаштирган тилда луғавий маънога эга бўлмайди. Масалан, *электр, радио, телевизор, трактор, интернет, компьютер* деганда ҳамма вақт шу терминлар ифодаланган тушунчалар тасаввур қилинади, чунки зотан бу терминлар ўзбек тилида ҳеч қандай луғавий маънога эга бўлмаса ҳам, улар ифодалаган тушунча ҳаммага маълумдир. Хитой тилида ҳам худди шундай, ўзлаштирилган сўзлар ўз маънолари билан ўзлаштирилади ва луғавий маънога эга бўлмайдилар, фақат маълум терминлар сифатида қабул қиланадилар, масалан: 电 dian, 收音机 shouyinji, 电视机 dianshiji, 拖拉机 tuolaji, 电脑 diannaο.

Хитой тили бошқа тилларга ўхшаб ўз лексик бойлигига эга. Сўз бойлигининг маълум бир қисмини атамалар ташкил қилади.

Илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга оид тушунчаларнинг аниқ атамаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси термин дейилади. Ҳар бир фан, касб-ҳунар ўз терминларига, шу терминлар жамидан иборат лексикага эга. Бундай махсус лексика терминология деб ҳам юритилади: ипакчилик терминологияси, лингвистик терминологияси ва бошқалар.

Терминлар муайян бир соҳага оид тушунчаларни очиқ ифода этувчи сўзлар бўлсада, лекин у сўзларнинг қўлланилишини шу соҳа кишилари кўриши мумкин:

1. Терминларнинг маъноси, соҳага алоқаси бўлмаган кишилар учун ҳам тушунарли бўлади ва улар томонидан ҳам қўлланаверади. Масалан, ботаникага оид буғдой 小麦, пахта 棉花, ўрик, ғўза, узум 葡萄, нок 梨; саънатшуносликка оид: сахна, афиша, актёр 演员; тиббиётга оид: укол 打针, наркоз, грипп 感冒 каби терминлар.
2. Терминларнинг маълум қисми шу терминга оид бўлган соҳа кишиларига тушинарли бўлади ва шулар нутқида қўлланади. Тилшуносликка оид: морфема 语素, фонетика 语音学, урғу 打音, ўзак ; химияга оид: оксидлар, индикатор каби.

Шуни айтиш керакки, умумистеъмолдаги сўзлар маълум бир соҳага оид тушунчани ифодаловчи сўз сифатида терминга айланиши мумкин. Бундай йўлларда у сўз дастлабки маъноси (ёки маънолари) билан умумистеъмолдаги лексикага махсус (терминологик) маъноси билан эса терминологик (чегараланган) лексикага оид бўлади:

“Вўза парваришини суғориш билан жуда муҳим аҳамиятга эга”.

“Бош келишиқдаги асосий синтактик функцияси бу эга бўлиб келишиқдир”.

Биринчи гапдаги *эга* сўзи ўзининг дастлабки маъносида қўлланган. Бу маъноси билан кенг истеъмолдаги сўзлар жумласига киради. Иккинчи гапдаги *эга* сўзи эса тилшуносликка оид термин ҳисобланади.

Ҳар бир тилда жумладан хитой тилида ҳам атамалар куйидаги йўл билан ҳосил бўлади:

1. Тилнинг ички имкониятлари асосида.

2. Чет тилидан, айниқса инглиз, рус тилидан улар орқали бошқа тиллардан тайёр атамаларни қабул қилиши билан, мисол келтирсак:

沙发	shafa	<i>диван(софа)</i>
卡通	katong	<i>мультфильм(cartoon)</i>
麦克风	maikefeng	<i>микрофон</i>
保龄	baoling	<i>боулинг</i>
比基尼	bijini	<i>бикини</i>
麦当劳	Maidanglao	<i>Макдональдс</i>

Ҳозирги замон хитой тилида жуда кўп янги соҳаларга оид атамалар пайдо бўляпти, шу жумладан савдо-сотик соҳасида ташқи савдо йўналиши ўз ривожини топмоқда. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ташқи савдо алоқалари ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Шу жараёнда савдо-сотик атамаларини ўзбек тилига ўгириш ҳамда уларни тафтиш этишни Саидова Саидахон ўз магисторлик диссертацияси ва бир қанча мақолаларида ўрганиб чиққан. Яна бир қанча битирув малакавий иш ҳамда магистрлик диссертацияларида темир йўл ва фармацевтик терминлари ўрганиб чиқилган, биз улар билан танишиб чиқдик.⁵

Хитой тили атамалар билан ва шу билан боғлиқ ҳодисалар билан хитойшуносликда Алла Леонова Семенас, Ольга Павловна Фроловалар шуғулланишган,⁶ бироқ ҳамма масалалар тўла ёритилган деб бўлмайди.

⁵ Иргашева У. “хитой тили темир йўл терминларини лингвистик таҳлили” БМИ. Т., 2010 й.
Каримова С. “Хитойча дори кўрсатмаларини ўзбек тилига ўгириш масалалари” илмий рисола.Т., 2010

⁶ А.Л.Семенас. Лексикология современного китайского языка. М., 1992 г.

Шунга қарамасдан бу соҳада улар маълум тадқиқотларни обрган ва қилган ишлари эътиборга сазавордир.

Шу ўринда магистрлик диссертациямизнинг мавзуси бўлган пиллачилик терминларига қисқача таъриф бериб ўтсак. **Пиллачилик терминлари деб, пиллачиликнинг барча турларида қўлланилувчи ва унга хос бўлган тил бирликларига айтилади.**

II боб. Пиллачилик терминларининг лексик-семантик таҳлили

Пиллачилик терминларини лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш учун биз ўзбек олимларимиз доцент А. Каримов ва уларнинг шогирдлари С.Носироваларни илмий ишларига таяндик. Хусусан А.Каримовнинг “Хитой тилида ҳисоб сўзлар (лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил)”⁷ китобларидан ҳамда С.Носированинг “Дипломатик терминларининг лексик-семантик ва структур таҳлили” номли ишларидан⁸ атрофлича фойдаландик.

Маълумки хитой тили бир қанча фонетик, морфологик ва синтактик хусусиятларига эгадир. Лексик тизимида ҳам хитой тили бошқа тиллардан фарқ қилади. Лексик тизимидаги хосликлар семантик, структур ва морфологик, яъни грамматик бўлиши мумкин. Биз ушбу диссертацияда фақат семантик ва структур жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Одатда сўзларни, лексик-семантик жиҳатдан тасниф қилганда, икки катга гуруҳга исмий сўзларга ва ҳаракат билдирувчи сўзларга бўлинади. Терминологияда эса асосан исмий сўзлар тадқиқ этилади. Биз илмий раҳбаримиз билан ўз ишимизда терминларни кенг тушунчасини киритиб, уларга шу соҳага оид ҳаракатларни ҳам киритдик. Сабаби хитой тили хусусиятларидан бири шундан иборатки, айрим сўзлар фақат шу соҳада учрайди ва шу соҳада ишлатиладиган махсус ҳаракатларни билдирадilar. Иккинчи сабабларидан бири шу соҳада

⁷ А.А.Каримов “Хитой тилида ҳисоб сўзлар (лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил)”.Т.,2001 й.

⁸ С.А.Носирова. Хитой тилида дипломатик терминларни лексик-семантик ва структур таҳлили. Филология фанлари номзоди диссертациясининг автореферати.Т., 2006 й.

ишлайдиган таржимонлар учун ушбу ҳаракатларни кўрсатиб кетишимиз фойдадан холи бўлмайди.

Демак, лексик семантик жиҳатдан пиллачиликга оид терминларни ҳам икки катта гуруҳга бўлишимиз мумкин, исмий сўзларга ва ҳаракат билдурувчи атамаларга, масалан:

пилла термоқ 采茧 caijian, *очмоқ* 拆开 chaikai.

Эътибор берсак биринчиси мисол соф пиллачиликга оид ҳаракатларга киритилиши мумкин, иккинчи мисол пиллачиликда ҳам бошқа соҳада ҳам қўлланилиши мумкин бўлган сўзлар сирасига киради.

§1. Пиллачиликда ҳаракат сўзлари.

Пиллачиликда ҳаракат сўзларни билдирадиган терминларни икки кичик гуруҳга бўлиш мумкин, биринчиси соф пиллачиликга оид ҳаракатлар, яъни ҳаракатларни билдирувчи сўзлар. Бундай сўзларни сони кўп эмас, шуларнинг ичида фақат пиллачиликда ишлатиладиган ҳаракатларни биз соф пиллачиликга оид ҳаракат сўзлари деб ажратдик.

1.1. Соф пиллачиликга оид ҳаракатлар, мисол келтирамиз:

пиллани қурутмоқ 烘茧 hongjian

кул сепмоқ 撒灰 sahui

пилла ўрамоқ 上簇 shangcu

пиллани сотмоқ 售茧 shoujian

пиллани қабул қилмоқ 收茧 shoujian

ипак қусмоқ 吐丝 tusi

тулламоқ, пўст ташламоқ 蜕皮 tuopi

қуртни ёймоқ 匀蚕 yuncan

Айрим сўзларни ўзбек тилидаги таржимаси бошқа соҳаларда ишлатилиши мумкиндай туюлсада, бироқ хитой тилида фақат пиллачиликда ишлатилиши назарда тутилади.

1.2. Турли соҳаларга оид ҳаракат билдирувчи сўзлар. Бу турдаги сўзлар, нафақат пиллачиликда қўлланиладиган ҳаракатлар, балки бошқа соҳаларда ҳам ишлатиладиган ҳаракатлар назарда тутилади. Мисол келтирамиз:

<i>ёпмоқ</i>	覆盖 fugai
<i>ажратмоқ</i>	鉴别 jianbie
<i>чатиштирмоқ</i>	交配 jiaopei
<i>ҳароратни оширмоқ</i>	升度 shendu
<i>боқмоқ, кўпайтирмоқ</i>	喂养 weiyang
<i>сув пуркамоқ</i>	喷水 pengshui
<i>сингдирмоқ, ўзлаштирмоқ</i>	摄取 shequ
<i>шамоллатмоқ</i>	通风 tongfeng
<i>захарланмоқ</i>	中毒 zhongdu

§2. Пиллачиликга оид исмий сўзлар

Пиллачиликга оид терминларни исмий сўзлари ўз ўринда икки катта гуруҳга бўлинади. Биринчиси бевосита пилла ва пилла қурти номлари билан боғлиқ атамалар, иккинчиси пиллачилик билан шуғалланадиган шахслар, асбоб-ускуна ва жойларни билдирадиган сўзлардир.

2.1. Пилла ва пилла қурти номларини билдирадиган сўзлар.

Бу гуруҳ сўзлари ўз ўринда тўртта кичик гуруҳга бўлинади: пилла номлари, курт номлари; ипак, тола ва ип-калава номлари; ва пиллачилик жараёнлари билан боғлиқ сўзлар.

2.1.1. Пилла номлари. Бу гуруҳга асосан пиллани номлари ва турларини

билдирадиган сўзлар киради, мисол келтирамиз:

茧子 jianzi	<i>пилла</i>
蛾口茧 ekoujian	<i>учи тешик пилла (перси)</i>
黄斑茧 huanbanjian	<i>неразмат пилла (брак пилла)</i>
双宫茧 shuanggongjian	<i>гоу пилла (двойник)</i>
蛹衬 yongchen	<i>одонка пилла</i>
种茧 zhongjian	<i>уруғлик пилла</i>
杂交种 zajiiaozhong	<i>гибрит уруғ</i>
工业茧 gongyejian	<i>саноат пилласи</i>
薄皮茧 baopijian	<i>қорапўчоқ пилла</i>

2.1.2. Жонли курт-қумурсқа номлари. Бу гуруҳга пилла куртини номлари, куртнинг турлари, капалаклари ва бошқа курт-қумурсқа номлари киритилган, мисол келтирамиз:

雌蚕 cican	<i>урғочи курт</i>
蚕蛹 canyong	<i>гумбак (куколка)</i>
蚕子 canzi	<i>ипак қурти</i>
成虫 chenchong	<i>катта қумурсқа</i>
大蚕 dacan	<i>катта курт</i>
蛾子 ezi	<i>капалак</i>
公蚕 gongcan	<i>эркак курт</i>

工业蚕 gongyescan	саноат қурти (жайдари қурт)
小蚕 xiaocan	кичик қурт
蚂蚁 mayi	чумоли
幼虫 youchong	қурт (личинка)
胚胎 peitai	эмбрион (хайвонларнинг муртаги)
柞蚕 zuocan	эман дарахтли қурт
稚蚕 zhican	кичкина қурт
种蚕 zhongcan	уруғлик қурт(элитный)
蚁蚕 yican	чумоли қурт
桑蚕 sangcan	ипак қурти
天蚕 tiancan	капалак қурти
雄蚕 xiongsan	қуртнинг эркаги
母种原 muzhongyuan	элита уруғнинг онаси

2.1.3. Ипак, тола ва ип-калава маъноларини англатадиган сўзлар, бу тур терминларга ипакнинг турли ҳолатлари ва маҳсулотларини билдирадиган сўзлар киради, мисол келтирамиз:

丝绸 sichou	ипак
丝绵 simian	ипакли пахта (момик)
纱线 shaxian	ип, калава
生丝 shengsi	хом ипак
细纱 shaxian	ип, калава
养蚕业 yangcanyue	ипакчилик

2.1.4. Пиллачилик жараёнлари билан боғлиқ сўзлар, жараён деганда

маълум бир вақт билан боғлиқ соҳа ишлари назарда тутилади,

мисол келтирамиз:

蚕期 canqi	ипак қуртининг мавсуми
反转期 fanzhuanti	қуртнинг ўзгариш вақти
孵化 fuhua	инкубация
发育 fayu	жисмоний ривожланиш
眠蚕 miansan	қуртнинг ухлаши
消毒 xiaodu	дезинфекция
验血 yanxue	анализ

2.2. Пиллачилик билан шуғалланадиган шахслар, асбоб-ускуна ва жойларни билдирадиган сўзлар.

Бу гуруҳ сўзлари ўз ўринда тўртта кичик гуруҳга бўлинади:

пиллачилик билан шуғул.шахслар; ўрин-жой сўзлари; асбоб-ускуна, хом-ашъё ва дори-дармон сўзлари.

2.2.1. Пиллачилик билан шуғулланадиган шахслар, мисол келтирамиз:

工程师 gongchengshi	инженер
养蚕老师 yangcanlaoshi	қурт боқишни ўргатувчи устоз
农场主 nongchangzhu	фермер
质检师 zhijianshi	сифатни текширувчи мутахассис
农艺师 nongyishi	аграном

2.2.2. Пиллачилик билан шуғулланадиган ўрин-жой сўзлари, мисол келтирамиз:

缫丝厂 saosichang	ипак игирувчи фабрика
----------------	-----------------------

实验室 shiyanshi	лаборатория
农田 nongtian	дала
农庄 nongzhuang	КОЛХОЗ
牛棚 niupeng	МОЛХОНА
农场 nongchang	ферма
农业部 nongyebu	қишлоқ хўжалиги вазирлиги
架子 jiazi	сўри
蚕种场 canzhongchang	уруғ заводи (грензавод)
孵化室 fuhuashi	инкубация хонаси

2.2.3. Пиллачиликда ишлатиладиган асбоб-ускуна сўзлари, мисол

келтирамиз:

竹竿 zhugan	бамбукли таёқ
甩干机 shuaiganji	центрофуга
塑料布 suliaobu	плёнка
羽化 yuhua	пат, перо
温度表 wendubiao	термометр
箱子 xiangzi	кути
丝织品 sizhipin	ипакли мато
复摇机 fuyaoji	игирувчи станок
打棉机 damianji	момик чиқарувчи барабан
盒子 hezi	кути, яўик
蚕网 canwang	ипак куртининг сеткаси
蚕纸 canzhi	қоғозли съёмник

2.2.4. Пиллачиликда ишлатиладиган хом-ашъё ва дори-дармон сўзлари, мисол келтирамиз:

消特灵 xiaoteling	хлор
空气 kongqi	ҳаво
叶子 yezi	барг
石灰 shihui	кул
桑树 sangshu	тут дарахти
桑叶 sangye	тут барги
桑漂白粉 piaobaifen	оқартирувчи порошок

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, пиллачикга оид терминларни лексик-семантик жиҳатдан таснифлашда биз бир қанча гуруҳ сўзларини ажратиб олдик, уларга махсус ном бериб туркумларга бўлдик. Қилган ишимизни натижалари луғатларни тузишда, пиллачилик оид матнларни таржима қилишда ва дарсликларни тузишда керак бўлиши мумкин.

III боб. Пиллачилик терминларининг структур тузилиши ва миқдорий таҳлили

Пиллачиликга оид терминларни структур жиҳатдан ўрганишлик, бу уларни содда, ясама ва кўшма сўзларга бўлишлик орқали ўрганиладиган услубдир. Ушбу услуб ҳақида усозимиз А.Каримов “Назарий грамматика” фанида маърузалар ўқиганларида ҳамда юқорида такидлаб ўтган монографияларида гапириб ўтилган. Сўзларни структур жиҳатдан ўрганишлик лексикологиянинг сўз яшаш тизимини ўрганиш бўлими билан жуда яқиндир. Сабаби ясама ва кўшма сўзларни келиб чиқиши маълум бир сўз яшаш усуллари билан боғлиқ. Масалан, аффиксация ва композиция усуллари билан, бундан ташқари ўзлаштириш ва контракция усуллари ҳам маълум бир терминларни вужудга келишига сабаб бўладилар.

Сўз ясалиш усуллари барча тилларда ўзига хос ва уларнинг миқдори чекланган. Бу усуллар турлича қўлланилади. Агар бир тилда унгагина хос бўлган усуллар кенг тарқалган бўлса, бошқа тилда бошқа усуллар кенг қўлланилади. Бу ҳол тилнинг грамматик хусусиятларига боғлиқ.

Ҳозирги хитой тилида сўз ясалишининг сўз кўшилиши (композиция) усули, аффиксация (шунингдек, ярим аффиксация), ўзлаштириш усулларида ташқари редупликация, транспозиция, контракция каби усуллар мавжуд. Бироқ, биз ушбу магисторлик диссертациямизда пиллачиликка оид терминларини ясалишида кенг қўлланилувчи композиция (сўз кўшилиши), аффиксация ва ўзлаштириш усуллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Сўз ясалишининг аффиксация усули унчалик кўп тарқалмаган. Ўзбек тилида аффикс қўлланадиган ўринларда хитой тилида асосий морфемаларнинг қўшилиши усули қўлланади. Улар ёрдамида фикрнинг энг нозик оттенкалари, турли-туман маълумотлар берилиши, ифода этилиши мумкин. Композиция усули - сўз ясалишнинг энг қадимги усули ҳисобланади. Бу деярли ер юзидаги барча тилларга хос. Маълумки, ҳозирги замон хитой тилидаги мураккаб сўзлар бошқа тилларга нисбатан анча кўпдир, чунки хитой тилидаги сўзларнинг аксарият қисми икки ва ундан ортиқ бўғиндан ташкил топган. Аммо қадимги ва ўрта давр хитой тилида қўшма сўзлар редупликация ходисаси эвазига ҳосил бўлган. Ҳозирги замон хитой тилида эса бу усул катта роль ўйнамайди.

§1. Пиллачилик терминларининг структурасидаги композиция усулининг ўрни

Композиция усули деганда умумий тилшуносликда бир неча (икки ва ундан ортиқ) сўз ёки негизларнинг бирлашуви натижасида янги сўзларнинг ҳосил бўлиши тушунилади. Композиция усули хитой тилида сўз ясалишининг асосий усули ҳисобланади. Композиция усули билан ясалган сўзлар қўшма сўзлар дейилади.

Маълумки, композиция усулида ясалган сўз “қўшма сўз” (词的复合 *cidefuhe* композиция), яъни 复合词 *fuheci* деб аталади. Баъзан қўшма сўз “комполит” атамаси билан юритилади.

Қўшма сўз компонентлари мустақил лексик маънога эга бўлиб, замонавий хитой тилида мустақил равишда қўлланилиши мумкин. Лекин айрим қўшма сўзлар таркибида ўзак морфема бўлсада, замонавий хитой тилида алоҳида қўлланилмайди.

Қўшма сўзнинг маъноси уни ташкил этувчи морфемалар маъносига таянади. Шундай қилиб, қўшма сўзларнинг маъноси компонентлар маъносининг егиндисига боғлиқ бўлади. Одатда композиция сўз ясалиши усули сифатида бир компонентнинг бошқасига оддий таъсирида юзага келади. Шу билан бирга баъзан у фонетик воситалар (оҳанг ва урғу) билан боғлиқ фонетик ўзгаришлар алоҳида махсус изланишни талаб қилади.

Композиция компонентлари ўзининг грамматик табиатига кўра субстантив (от), вербал (феъл) ва адъектив (сифат) бўлиши мумкин. Уларни инглизча N, V ва A ҳарфлари билан белгилашади.

Лексик комплексларни ташкил этувчи компонентлар орасидаги структур алоқаларнинг беш хил турини ажратишимиз мумкин.

Биринчиси - атрибутив тур (I), бунда биринчи компонент иккинчисини белгилаб келади ва улар орасида аниқловчи ва аниқланмиш муносабати мавжуд бўлади.

Иккинчиси - копулятив тур (II), бунда компонентлар тенг ҳуқуқли бўлади.

Учинчиси, феъл - объектли тур (III) бўлиб, бунда биринчи компонент иш-ҳаракатни билдиради ва бундай иш-ҳаракат иккинчи от компонентга йўналтирилган бўлади.

Тўртинчиси, феъл-натижа (IV) тури, бунда иккинчи компонент биринчи компонент ифодалаган иш-ҳаракатнинг натижасини билдиради.

Бешинчиси, предикативли тур (V) бунда биринчи компонент субъектни, иккинчиси эса унинг ҳаракати ёки ҳолатини билдиради.

Компонентлар орасидаги муносабат (боғланиш) усуллари I, II, III, IV, V каби рим рақамлари билан белгиланади.

Лексик комплексларнинг компонентлари орасидаги семантик муносабатларнинг характерига кўра икки хил турдаги боғланиш (муносабат)ни ажратиш мумкин. Бу:

-тенг ҳуқуқли боғланиш тури, бунга биринчи (копулятив) тур киради;

-тенг ҳуқуқли бўлмаган боғланиш турига қолган тўртта тур киради.

Қуйидаги структур усулларга мувофиқ от, феъл ва сифатлар учун тегишли моделларни кўриб чиқамиз.

1. От модели.

Отларнинг салмоқли қисми атрибутив муносабатда боғланиш йўли билан ясалади. Ушбу усул бир қанча моделда воқеланади. Бунда компонентлар орасидаги семантик муносабатлар турли-туман, ранг-баранглиги билан фарқ қилади.

1.Субстантив компонентларнинг атрибутив алоқа тури бўйича бирлашиши натижасида от ясалади: от+от>от (уларнинг бирлашишининг формал модели қуйидагича бўлади $N+N>N$)

Пиллачилик соҳасига оид Мисоллар:

桑树 sangshu “тут” + “дарахт” > “тут дарахти”

桑蚕 sangcan “тут” + “қурт” > “ипак қурти”

丝棉 simian “ипак” + “пахта” > “момик”

农场主 nongchangzhu “ферма” + “хўжайин” > “фермер”

Бу хитой тилидаги қўшма отларнинг катта қисмини тузишда энг самарали сўз ясалиш модели ҳисобланади. Бу модел ҳозирги кунда ҳам ўзининг самарадорлигини сақлаб қолган. Хитой атамашунослиги, асосан, сўзнинг атрибутив тури бўйича қўшилиши йўли билан ясалади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу усул сўз бирикмалари қолипи учун ҳам энг самарали модел ҳисобланади.

2. Адъектив ва субстантив компонентларнинг атрибутив боғланиши йўли билан бирикуви отларни юзага келтиради: сифат+от>от (уларнинг бирикуви формал модели қуйидагича $A(1)N>N$)

Пиллачилик соҳасига оид мисоллар:

双宫茧 shuanggongjian “жуфт” + “пилла” > “двойник пилла”

薄皮茧 baopijian “юпка терисли” + “пилла” > “қорапўчоқ”

细纱 xisha “ингичка” + “пряжа” > “пряжа”

3. Вербал компонентларнинг субстантив компонент билан атрибутив боғланиши йўли билан бирикуви отларни юзага келтиради: феъл+от>от (уларнинг бирикуви формал модели қуйидагича $V(1)N>N$).

Пиллачилик соҳасига оид мисоллар:

喷雾器 penwuqi “спрей” + “ускуна” > “пульверизатор”

缫丝机 saosiji “ипак игириш” + “станок” > “ипак игирувчи станок”

摔干机 shuaiganji “қуритиш” + “станок” > “центропруга”

4. Субстантив компонентларнинг копулятив алоқа тури бўйича бирикуви отларни юзага келтиради: от+от>от (уларнинг бирикуви формал модели $N(11)N>N$).

5. Адъектив компонентларнинг копулятив боғланиш усули бўйича бирикуви отларни юзага келтиради: сифат+сифат>от (уларнинг бирикуви формал модели $A(11)A>N$).

6. Вербал компонентларнинг копулятив боғланиш турига кўра бирикуви отни юзага келтиради: феъл+феъл+от (уларнинг формал бирикуви модели қуйидагича $V(II)V>A$).

7. Вербал ва субстантив компонентларнинг феъл-объект боғланиш турига кўра бирикувидан от ясалади: феъл+от---от(уларнинг формал бирикув модели қуйидагича $V(III)N>N$).

8. Субстантив компонентнинг вербал ёки адъектив компонент билан субъект-предикатив боғланиш турига кўра бирикувидан от ясалади: от+феъл---от, от+сифат---от(уларнинг формал бирикув модели қуйидагича $N(v)V>N, N(v)A>N$).

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган моделлар бўйича ясалган отларга аффикслар қўшилиши мумкин. Бунинг натижасида аффиксланган сўз қўшилмаси юзага келади.

2. Феъллар учун моделлар

1. Вербал компонентларнинг копулятив боғланиш тури бирикувидан асосан қўшма феъллар ясалади: феъл+феъл---феъл (уларнинг формал бирикув модели қуйидагича бўлади $V(II)V>V$).

Пиллачилик соҳасига оид мисоллар:

上簇 shangcu “бошламоқ” + “йиғмоқ” > “пилла ўрамоқ”(завивка)

饲养 siyang “боқмоқ” + “боқмоқ” > “боқмоқ”

喂养 weiyang “боқмоқ” + “боқмоқ” > “боқмоқ”

Бу, айниқса компонентлар орасида синонимик муносабатлар бўлган ҳолатларда энг кўп сонли қўшма феъл моделидир.

2. Қўшма феъллар камдан-кам ҳолларда атрибутив тип (тур) бўйича ясалади. Иккинчи, марказий компонент, албатта, вербал компонентдир. Биринчи компонентга келганимизда, у вербал ҳам бўлиши мумкин, адъектив ёки субстантив ҳам бўлиши мумкин. Вербал компонентнинг субстантив, адъектив ва вербал компонент билан атрибутив боғланиш турига кўра қўшма феъллар ясайди: от+феъл---феъл; сифат+феъл---феъл;

фeъл+фeъл---фeъл (уларнинг формал бирикув модели куйидагича бўлади $N(I)V>A$, $A(I)V>V$, $V(I)V>V$).

3. Қолган фeъл моделлар орасида вербал компонентнинг субстантив компонент билан фeъл-объектли боғланиш турига оид сўзлар модели тез-тез учрайди: фeъл+от---фeъл (уларнинг формал бирикув модели куйидагича бўлади $V(III)N>V$).

Пиллачилик соҳасига оид мисоллар:

消毒 xiaodu “бартараф этмоқ” + “захар” > “дезинфекциялаш”

通风 tongfeng “ўтмоқ” + “шамол” > “шамоллатмоқ”

采桑 caisang “юлмоқ” + “тут” > “барг ўрмоқ”

撒灰 sahui “сепмоқ” + “кул” > “кул сепмоқ”

蜕皮 tuipi “ташламоқ” + “тери” > “тулламоқ”

4. Вербал компонентнинг вербал компонент билан, вербал компонентнинг адъектив компонент билан фeъл-натижавий (результативный) боғланиш турига асосан бирикувидан фeъл ясалади: фeъл+фeъл---фeъл, фeъл+сифат (уларнинг формал бирикув модели куйидагича бўлади $V(I)V>V$, $V(IV)A>V$).

5. Субстантив компонентнинг вербал компонент билан предикатив боғланиш турига асосан бирикувидан фeъл ясалади: от+фeъл---фeъл (уларнинг формал бирикув модели куйидагича бўлади $N(v)V>V$).

3. Сифатлар учун моделлар

1. Адъектив компонентларнинг копулятив боғланиш турига асосан бирикувидан кўшма сифатлар ясалади: сифат+сифат---сифат (уларнинг формал бирикув модели куйидагича бўлади $A(II)A>A$).

Бундай ҳолатда синонимик ва ассоциатив компонентларнинг бирлашуви рўй беради. Улар ўз маъноларида аниқлаштириш мақсадида бир-бирининг вазифасини бажаради (такрорлайди).

2. Субстантив компонентнинг адъектив компонент билан предикатив боғланиш турига асосан бирикувидан қўшма сифат ясалади: от+сифат---сифат (уларнинг формал бирикув модели қуйидагича бўлади $N(v)A>A$).

3. Субстантив, адъектив, вербал компонентнинг адъектив компонент билан атрибутив боғланиш турига асосан бирикувидан қўшма сифат ясалади: от+сифат---сифат, сифат+сифат---сифат, феъл+сифат---сифат (уларнинг формал бирикув модели қуйидагича бўлади $N(I)A>A$, $A(I)A>A$, $V(I)A>A$).

Афсуски биз ўрганган пиллачилик терминларни орасида сифат сўз туркумларига оид сўзларни биз топа олмадик, бироқ бу умуман терминларни орасида бундай сўзлар йўқлигини биз хали тўла тўққис айта олмаимиз. Бунинг учун яна ҳам чуқурроқ ва кўпроқ ҳажмдаги терминларни ўрганиб чиқиш зарур деб ўйлаймиз.

Компазиция усули билан ясалган қўшма терминлар энг кўп сонли атамалар деб ҳисобланади. Барча атамашунослар буни тан олишади. Компонентлар орасидаги боғланишлар турли хил бўлишига қарамай, улар пиллачиликга оид терминларни бир маънолик ва тизимлик мезонларини сақлаб қоладилар.

§2. Пиллачилик терминларининг структурасида аффиксация усули.

Пиллачиликга оид терминлар орасида ясама сўзларнинг миқдори қўшма сўзларнинг сонидан анча кам бўлсада, бироқ улар мавжуд бўлиб алоҳида ўрганишга лоикдир. Ясама сўзлар одатда суффиксация усули

билан вужудга келадилар. Хитой тили сўз ясалишида композиция усулидан кейин энг кенг қўлланиладиган усул бу - аффиксация усулидир.

Аффиксация усули нима? Аффиксация (加词缀 jiácìzhǔ) сўз ясалишининг ўзакка аффикс қўшилиши билан ясалувчи усулдир.

Шунингдек аффиксация усулига Фролова О.П куйидагича таъриф беради: “ Аффиксация – замонавий хитой тили сўз ясалишида энг кўп қўлланиладиган усуллардан биридир. Аффикс (词缀 cìzhǔ)-ўзак морфемага қўшилувчи шаклий морфема”⁹

Хитой тили сўз ясалишида композиция усулидан кейин аффиксация иккинчи ўринни эгаллайди. Тилшуносликда аффиксация ва ярим аффиксация иккита мустақил сўз ясалиши усули сифатида қаралади. Асосий фарқи шундаки, янги сўз ҳосил қилганда биринчи усулда ўзакка сўз ясовчи аффиксни қўшилиши, иккинчи усулда ярим аффикс қўшилиши билан фарқланади.

Аффикслаш усули сўз ясалишининг морфологик усулига киради, ярим аффикслар усули эса - лексик-морфологик йўл билан ясалишга киради. Аффикслар сўздан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, улар негизга қўшилиб, сўз яшаш ва сўз ўзгартириш мақсадида қўлланади.

Демак, аффиксация усулида сўзлар ўзак морфемага аффикслар қўшилишидан ҳосил бўлади. Аффикс ўзи нима? “Аффикслар-грамматик маънога эга морфемалардир. Аффикслар мустақил лексик маъно англатмай, улар сўзлардан ташқарида тилда мавжуд бўлмайди ва аффикслар сўз ва шакл яшаш учун хизмат қилади. Сўз ясалиши деганда бир лексик бирликдан бутунлай янги маъноли сўз ясалиши тушунилса,

⁹ О.П.Фролова.Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. Н.,1982г. 35 стр.

шакл ясалиши деганда айнан ўша сўзнинг қўшимча қўшилиши натижасида шакл жиҳатдан ўзгариши назарда тутилади. Лекин, хитой тилида шакл ясовчи қўшимчалар ниҳоятда кам кузатилади.

Ҳозирги замон хитой тилидаги сўз ясовчи аффиксларнинг кўпчилиги мустақил сўзлардан юзага келган, лекин бу йўлни тўла ўтиб улгурмаган бирликлар ҳам бор. Ҳозирги хитой тилида мустақилликдан аффиксал морфемага тўла ўтиш йўлини босиб ўтмаган жуда кўп морфема мавжуд бўлиб улар аффикс ва мустақил сўз ясовчи морфема орасидаги оралиқ ўринни эгаллаб туради ва ярим аффикслар деб аталади.

Структур жиҳатдан, яъни аффикснинг сўздаги позициясига кўра характери белгилайди: препозицияда - префикс, постпозицияда - суффикс. Агар икки бўғинли сўзда биринчи морфема префикс бўлса, иккинчи морфема суффикс бўлиши мумкин эмас; ва, аксинча, агар иккинчи морфема суффикс бўлса, биринчиси префикс бўлиши мумкин эмас.

Хитой ва Рус тилшунослари ҳозирги хитой тилидаги аффикс ва ярим аффиксларнинг сонини турлича ажратишади. Фақат улар бир фикрда: префикс ва ярим префикслар микдорининг суффикс ва ярим суффикслардан анча камлиги масаласида бир ёқадан бош чиқарадилар.

Масалан:

双 **shuang** “жуфт”- префикси пиллачилик термини таркибида учрайди:

双宫茧子 **shuanggongjianzi** – двойник пилла

小 **xiao** “кичкина”-префикси:

小蚕 **xiaosan**- кичкина қурт

大 **da** “катта”-префикси:

大蚕 *dacan*- катта курт

反 *fan*- “анти, контр”- префикси:

反转期 *fanzhuanqi*- ўзгариш вақти (куртнинг ўзгариш пайти)

不 *bu* , 无 *wu*, 非 *fei* префикслари сўзлар негизи олдидан келиб, улардан англашилган тушунчага эга эмасликни, бирор белги ёки хусусиятнинг йўқлигини англатади:

不良卵- *buliangluan*-ёмон тухум,

不良茧- *buliangjian*-ёмон пилла,

不良蛹-*buliangyong*-ёмон ғумбак;

无菌蚕室-*wujuncanshi* – бактериясиз уруғ хонаси.

假 *jia* “ қалбаки, сохта” префикси. 假 *jia* префикси кам учрайдиган префикс бўлиб, Фролова О.П нинг айтишига кўра, бу префикс ясама терминларда 0.132 % ишлатилади.

Суффикслар ясама сўзнинг охирида келиб, хитой тили сўз ясалишида анча кенг қўлланиладиган элементлардан ҳисобланади. Хитой тилида суффикслар сони кўп. Улардан айримларини кўриб чиқсак:

子-*zi* суффикси

Ушбу суффикснинг асл маъноси “фарзанд, бола” деганидир. Тўлиқ маъноли морфема сифатида у камдан кам холларда учрайди. Ҳозирги замон хитой тилида деярли тўлиқ суффиксга айланган ҳизмат қилувчи морфемалар сирасига киради. Пиллачиликга оид терминлардан мисол келтирамиз:

蛾子-*ezi* - капалак

茧子-*jianzi* - пилла

叶子-yezi - барг

架子-jiazi - сўри

蚕子-canzi - курт

箱子-xiangzi - кути

盒子-hezi - ящик

卵子-luanzi-тухум

员-yuan суффикси

员 **yuan** “ишлайдиган ёки таълим олаётган одам” маъносини беради. Бу суффикс касб эгаси маъносини билдириб, шахсларга нисбатан ишлатилади. Бирон бир ташкилот аъзоси маъносини ҳам билдиради, пиллачиликга оид терминлардан мисол келтирамиз:

饲养员 siyangyuan – курт боқувчи ходим

技术员 jishuyuan– технолог

化-**hua** суффикси

化 hua ярим суффикси хатти-харакат, нарса-буюмнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш каби маъноларни ифодалайди. Бу усулда ясалган лексик birlikлар асосан от сўз туркумига оид бўлади, пиллачиликга оид терминлардан мисол келтирамиз:

孵化 fuhua – инкубация , инкубатор

Баъзи кўп учрайдиган суффикс ва яримсуффиксларга мисол келтирсак:

师 **shi** – ўқитувчи , устоз, соҳа устаси деган маъноларни англатади.

工程师 gongchengshi - инженер

农艺师 nongyishi - агроном

质检师 zhijianshi – сифатни текширувчи

养蚕老师 yangcanlaoshi – курт боқувчи устоз

种 zhong – тур, хил, нав деган маъноларни англатади.

品种 pinzhong – нав, порода

蚕种 canzhong – уруғ (грён)

原种 yuanzhong – олий навли уруғ (элитный грён)

品 pin – нарса, буюм деган маъноларни англатади.

丝织品 sizhipin – ипакли мато

表 biao – ўлчов ускунаси, жадвал, график деган маъноларни англатади.

温度表 wendubiao – термометр

湿度表 shidubiao – гигрометр (намликни ўлчовчи ускуна)

干湿表 ganshibiao – психрометр (намлик ва қуруқликни ўлчовчи ускуна)

度 du – тизим, свойства, босқич деган маъноларни англатади.

温度 wendu - ҳарорат

升度 shengdu – ҳароратни кўтармоқ

减度 jiandu - ҳароратни туширмоқ

期 qi – срок, вақт, период деган маъноларни англатади.

龄期 lingqi – ёш (қуртнинг ёши)

蚕期 canqi – уруғнинг мавсумий вақти

虫 chong – қурт, қумурсқа деган маъноларни англатади.

幼虫 youchong – қурт (личинка)

成虫 chengchong – имаго, катта кумурсқа

户 hu – яшовчи, хонадон деган маъноларни англатади.

农户 – ишчи хонадони

养蚕户 – yangcanhu – курт боқувчининг хонадони

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки хитой тилидаги пиллачикга оид терминларнинг структураси бошқа тилларга ўхшаб уларни ясалашига бевосита боғлиқдир, хусусан содда, ясама ва қўшма терминларни ажратишда бевосита ясалиш моделлари катта ёрдам беради. Масалан композиция усули билан асосан қўшма сўзлар вужудга келади, аффиксация усули билан ясама сўзлар ясалади.

Тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики содда терминларнинг деярли ҳаммаси бир бўғинли сўзларга тенгдир. Бу хитой тили хусусиятларидан бири бўлиб у пиллачиликга оид терминларида ҳам ўз аксини топди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки пиллачилга оид терминларни ичида энг кўп учрайдигани бу қўшма сўзларга оидларидир, иккинчи ўринда ясама сўзларга тегишлиларидир ва жуда оз миқдорни содда сўзлар ташкил этиши яққол кўриниб турибди. Бунинг исботлаш мақсадида биз пиллачилга оид терминларни миқдорий жиҳатдан ўрганиб чиқдик.

§3. Замонавий Хитой тили пиллачиликга оид терминларининг миқдорий таҳлили.

Ушбу бўлимда биз пиллачилик терминлари юзасидан кичик миқдорий таҳлил ўтказдик. Бунинг учун биз “蚕的生活史”¹⁰

¹⁰ Ушбу мақолани тўлиқ матнини биз илова келтирдик

candeshenghuoshi “ипак куртининг ҳаётий тарзи” деб номланган мақоладан фойдаландик.

“Ипак куртининг ҳаётий тарзи” мақоласи юзасидан қилинган миқдорий таҳлил натижаларини келтирсак.

Дастлаб ушбу мақолада учрайдиган лексик бирликларни умумий миқдори ҳақида маълумот берсак:

1. Матндаги умумий иероглифлар сони -563 та, бу 100 фоизни ташкил этди.
2. Умумий сўзлар сони - 276 та, булар умумий иероглифлар сонидан 49.02 % ни ташкил этди.
3. Сўзлар ичидаги пиллачилик терминларининг сони – 50 та, бу 18.11 % ни ташкил этди.

Маълумотларни жадвал кўринишида келтирамиз.

Бирликлар номи	Сони	%	%
Матндаги иероглифлар сони	563	100%	
Сўзларнинг умумий сони	276	49%	100%
Пиллачиликга оид атамалар сони	50	9%	19%

Мақоладаги пиллачилик терминларини умумий миқдоридан ташқари яна қўшма ва ясама сўзларни ажратиб олишни ҳам мақсад қилиб олдик. Натижада аффиксация ва композиция усули билан вужудга келган ясама ҳамда қўшма сўзларни алоҳида териб олдик. Шулардан айримларини келтирамиз.

Аффиксация усули билан ясалган сўзлар:

- 昆虫 hunchong – метаморфоз кумурсқа
幼虫 youchong – курт (личинка)
成虫 chengchong – ёши катта кумурсқа (имаго)
卵期 luanqi – тухум пайти
孵化 fuhua - инкубация
瘦小 shouxiao - озғин
小蚕 xiaocan – кичик курт
大蚕 dacan – катта курт
温度 wendu - ҳарорат
品种 pingzhong – нав, сорт
湿度 shidu – намлик (ҳароратнинг намлиги)

Композиция усули билан ясалган сўзлар мисоллари:

- 发育 fayu - ривожланмок
胚胎 peitai - эмбрион
蜕皮 tuipi – туллаш (терини)
食桑 shisang – озикланмок (тут барги билан озикланмок)
蚁蚕 yican - ипак куртининг кичкинаси (чумоли курт)
旧皮 jipi – эски тери
新皮 xinpi – янги тери
眠蚕 miancan – куртнинг ухлаши
熟蚕 shucan – куртнинг пишиши

吐丝 *tusi* – ипак қушиш

结茧 *jiejian* – пилла ўраш

化蛹 *huayong* – ғумбакка айланиш

交配 *jiaopei* - чатиштириш

桑蚕 *sangcan* – ипак курти

Пиллачиликга оид хитойча матни ўрганиш жараёнида биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Хитой тилида пиллачилик терминларини алоҳида соҳа сўзлари сифатида бемалол ажратиш мумкинлиги аниқланди.
2. Пиллачилик терминларининг орасида содда сўзлардан ташқари қўшма ва ясама сўзлар ҳам кўп учраши яққол кўринди.
3. Пиллачилик терминларининг катта қисми қўшма сўзлиги ва улар композиция усули орқали ясалганлиги маълум бўлди.
4. Мақолада аффиксация усули билан ясалган пиллачилга оид терминлар борлиги ҳам кўринди.

Биз юқорида келтирилган маълумотларни аниқлаганимиздан кейин, яна бир бор текшириш ниятида пиллачилик терминларини бошқа матн ва луғатлардан териб олдик ва терминларни умумий сонини 120 тага етгаздик. Пиллачилик терминларни тузилиши бўйича миқдорий таҳлилни олиб бордик. Натижада содда сўзларнинг сони атиги 3 тани ташкил этди, ясама сўзларни сони 32 та бўлиб чиқди ва қўшма сўзларнинг сони 85 тага етди. Қизиғи шундаки содда сўзларнинг ичида ҳақиқийси фақат битта бўлиб чиқди, яъни бир бўғинли бир негизли 桑 *sang* *тут* сўзи бўлиб чиқди. Қолган иккитаси эса ўзлаштирилган сўзлар бўлиб биттаси тўрт бўғинли 福尔马林 *fuermalin* *формалин*,

иккинчиси эса уч бўғинли 消特灵 xiaoteling *хлор* содда сўзлари бўлиб чиқишди. Содда сўзларни фоизи атиги 0,3% ташкил этди.

Ясама сўзларни фақат 9 таси сўз ясовчи аффикс ёрдамида ясалган бўлиб, қолган 23 таси ярим аффикслар орқали тузилган бўлиб чиқди. Ярим аффиксларнинг айримлари жуда нисбий равишда ҳисобланди, сабаби, А.Каримов айтганидек, уларнинг лексик маъноси шунчалик мустақилки, ярим аффиксдан кўра, қўшма сўз компоненти сифатида кўрилиши афзалроқдир. Шунга қарамасдан биз уларни шартли равишда ярим аффикс сифатида қабул қилдик.

Қўшма сўзларни ичида тўрт бўғинлиларнинг сони 4 та бўлиб чиқди, уч бўғинлиларнинг миқдори 18 та бўлиб чиқди ва қолганлари икки бўғинли қўшма сўзларни ташкил қилар экан. Бу яна бир бор хитой лексикасининг катта қисмини икки бўғинли сўзлар ташкил этади деган олимларнинг фикрини тасдиқлайди. Сўз ясалишида эса энг сер махсули композиция усули экани яна бир ўз тасдиқини топди.

Пиллачилик терминлари луғати асосида таҳлил натижаларинг график кўриниши:

Пиллачилик терминлари сони – 120 та. Бу 100% ни ташкил этади.	
Композиция усули	Аффиксация усули
85 та	32 та
73.%	26.7%

Ушбу таҳлил юзасидан қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Ҳозирги замон хитой тили пиллачилик атамаларининг ҳосил бўлишида композиция усули бирламчи, бу усул ёрдамида ҳосил бўлган терминлар миқдори анча юқори ҳисобланади.
2. Пиллачилик терминларида аффиксация усулининг суффиксация тури кенг қўлланилади.
3. Маълуматлар шуни кўрсатадики ҳозирги замон хитой тилида ҳар бир иероглиф лексик маънога эга бўлсада, бироқ ҳаммаси ҳам битта сўз эмас. Яъни битта сўз асосан икки ва ундан кўпроқ иероглифдан ташкил топганини кўрсатади. Бу умумий тилшуносликдаги хитой тили тўғрисидаги мавжуд бўлган маълумот эскирганини кўрсатади ва ҳозирги замон хитой тили “корневой”, яъни негиз сўзлардан иборат тил эмаслигини исботлайди. Бундан ташқари мисоллар хитой тилида сўз ясовчи аффикслар мавжудлигини кўрсатиб уни “аморф” тилларга мансуб эмаслигини ҳам яққол кўрсатади.

ХУЛОСА

Мазкур магистрлик диссертация ҳозирги замон хитой тилидаги пиллачилик терминларининг лексик-семантик ва структур хусусиятларини, пиллачилик соҳасида кенг қўлланилиб келаётган лексик катламни ўрганишга, уларни ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишланган.

Илм–фан, техника ва тил тараққий этганлиги сабабли пиллачилик терминларининг сони ҳам кундан кунга ошиб бормоқда ва бу таржима жараёнида кўпгина қийинчилкларни туғдирмоқда. Терминларсиз, яъни аниқ бир маънони билдирувчи сўз ёки сўз бирикмасиз, барча пиллачилк соҳасига доир мақола ва ҳужжатлар, у пиллачиликнинг қайси турига тегишли бўлишидан қатъий назар аниқ таржимага эга бўлмайди.

Биз ушбу магистрлик диссертациямизда “термин” сўзига ҳар томонлама ёндашдик. Чунки пиллачилик соҳаси ҳам мураккаб бўлиб, у кўпгина соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун биз аввал “термин” ва “пиллачик термини” маъноларининг узвий боғлиқлигини ва уларнинг оммабоп лексикадаги атамалардан фарқли томонларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Биз шунингдек, пиллачилик терминларининг ясалиш усуллари ва уларнинг структураси билан узвий боғлиқлигини кўриб чикдик.

Ушбу магистрлик диссертацияси натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. “Пиллачик терминлари” деганда пиллачилик соҳасига доир барча пиллачилик лексикаси, сўз бирикмалари ва ўзгармас иборалар кўзда тутилади.

2. Пиллачилик терминлари - бошқа атамалар сингари, аниқ бир маънога эга бўлиб, у маҳсус атамашуносликнинг бир тизимига оид ҳисобланади.

3. Лексик - семантик жиҳатдан пиллачиликга оид терминларни ҳам икки катта гуруҳга бўлиш мумкин, исмий сўзларга ва ҳаракат билдурувчи атамаларга. Пиллачиликда ҳаракат сўзларни билдирадиган терминларни икки кичик гуруҳга бўлиш мумкин, биринчиси соф пиллачиликга оид ҳаракатлар, ва турли соҳаларга оид ҳаракат билдирувчи сўзлар. Пиллачиликга оид терминларни исмий сўзлари ўз ўринда икки катта гуруҳга бўлинади. Биринчиси бевосита пилла ва пилла курти номлари билан боғлиқ атамалар, иккинчиси пиллачилик билан шуғалланадиган шахслар, асбоб-ускуна ва жойларни билдирадиган сўзлардир.

4. Сўзларни структур жиҳатдан ўрганишлик лексикологиянинг сўз яшаш тизимини ўрганиш бўлими билан жуда яқиндир. Сабаби ясама ва қўшма сўзларни келиб чиқиши маълум бир сўз яшаш усуллари билан боғлиқ. Пиллачиликга оид терминлар орасида ясама сўзларнинг миқдори қўшма сўзларнинг сонидан анча кам бўлсада, бироқ улар мавжуд бўлиб алоҳида ўрганишга лоикдир. Ҳозирги хитой тилида мустақилликдан аффиксал морфемага тўла ўтиш йўлини босиб ўтмаган жуда кўп морфема мавжуд бўлиб улар аффикс ва мустақил сўз ясовчи морфема орасидаги оралиқ ўринни эгаллаб туради ва ярим аффикслар деб аталади. Композиция усули билан ясалган қўшма терминлар энг кўп сонли атамалар деб ҳисобланади.

5. Хитой тилидаги пиллачиликга оид терминларнинг структураси бошқа тилларга ўхшаб уларни ясалашига бевосита боғлиқдир, хусусан содда, ясама ва қўшма терминларни ажратишда бевосита ясашиш

моделлари катта ёрдам беради. Масалан композиция усули билан асосан кўшма сўзлар вужудга келади, аффиксация усули билан ясама сўзлар ясалади.

Тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики содда терминларнинг деярли ҳаммаси бир бўғинли сўзларга тенгдир. Бу хитой тили хусусиятларидан бири бўлиб у пиллачиликга оид терминларида ҳам ўз аксини топди.

Биз пиллачилик терминларини хитойча матн ва луғатлардан териб олдик ва терминларни умумий сонини 120 тага етгаздик. Пиллачилик терминларни тузилиши бўйича миқдорий таҳлилни олиб бордик. Натижада содда сўзларнинг сони атиги 3 тани ташкил этди, ясама сўзларни сони 32 та бўлиб чиқди ва кўшма сўзларнинг сони 85 тага етди. Қизиғи шундаки содда сўзларнинг ичида ҳақиқийси фақат битта бўлиб чиқди, яъни бир бўғинли бир негизли 桑 sang *тут* сўзи бўлиб чиқди. Қолган иккитаси эса ўзлаштирилган сўзлар бўлиб биттаси тўрт бўғинли 福尔马林 fuermalin *формалин*, иккинчиси эса уч бўғинли 消特灵 xiaoteling *хлор* содда сўзлари бўлиб чиқишди. Содда сўзларни фоизи атиги 0,3% ташкил этди.

Ясама сўзларни фақат 9 таси сўз ясовчи аффикс ёрдамида ясалган бўлиб, қолган 23 таси ярим аффикслар орқали тузилган бўлиб чиқди. Кўшма сўзларни ичида тўрт бўғинлиларнинг сони 4 та бўлиб чиқди, уч бўғинлиларнинг миқдори 18 та бўлиб чиқди ва қолганлари икки бўғинли кўшма сўзларни ташкил қилар экан. Бу яна бир бор хитой лексикасининг катта қисмини икки бўғинли сўзлар ташкил этади деган олимларнинг фикрини тасдиқлайди. Сўз ясалишида эса энг сер махсули композиция усули экани яна бир ўз тасдиқини топди.

Маълуматлар шуни кўрсатадики ҳозирги замон хитой тилида ҳар бир иероглиф лексик маънога эга бўлсада, бироқ ҳаммаси ҳам битта сўз

эмас. Яъни битта сўз асосан икки ва ундан кўпроқ иероглифдан ташкил топганини кўрсатади. Бу умумий тилшуносликдаги хитой тили тўғрисидаги мавжуд бўлган маълумот эскирганини кўрсатади ва ҳозирги замон хитой тили “корневой”, яъни негиз сўзлардан иборат тил эмаслигини исботлайди. Бундан ташқари мисоллар хитой тилида сўз ясовчи аффикслар мавжудлигини кўрсатиб уни “аморф” тилларга мансуб эмаслигини ҳам яққол кўрсатади.

Мазкур магистрлик диссертация нафақат Хитой тили лексикологияси, балки пиллачилик соҳасида олиб бориладиган изланишларда, пиллачилик соҳаси бўйича ишловчи таржимонларга, хусусан пиллачилик билан қизиқувчи хитойшуносларнинг ишларида ёрдам беришига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбек тилидаги адабиётлар

1. Азизов О. «Тилшуносликка кириш». Т., Ўқитувчи 1989й.
2. Ақобиров С.Ф, «Тил ва терминология», Т., Ўзбекистон.1969й
3. Маматов К.Н «Термин ва унинг таърифи ҳақида» «Ўзбек тили ва адабиёти», 1966й.
4. Маъруфов З.М. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати».М.,1981
5. Сафарова Р. «Лексик-семантик муносабатларнинг турлари».Т. Ўқитувчи 1996
6. Каримов А.А. «Ҳисоб сўзларнинг лексик – семантик, структурал ва функционал таҳлил»Т.,2003й
7. Носирова С. «Ҳозирги замон хитой тилидаги дипломатик терминларнинг лексик-семантик ва структурал таҳлил». 2008й (150 бет)
8. Хитойшунос талабалар илмий тўплами «Баркамол авлод йилига бағишланган». Илмий муҳаррирлар гуруҳи: Султанова Л.А, Каримов А.А, М.Махмудходжаев, Ж.Зиямухамедов, Ш.И.Шозомонов, С.А.Хашимова, У.Мавлянова, М.Тўратова
9. Хитойшуносликнинг долзарб масалалари: филология, фалсафа, тарих, иқтисод ва сиёсат. Масъул муҳаррир доцент А.Каримов.
10. И.Ш.Шозомонов, И.Н.Бекмурадов «Хитойда тил вазияти ва сиёсати(социолингвистик таҳлил)»
11. Гуломов А.Ф. Ўзбек тилида сўз яшаш усуллари ҳақида.- Т.: Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва Адабиёт Институти, 1950.- 118 б.
12. Камалов Ф. Ўзбек тили лексикаси.- Т., 1953.- 157 б.

13. Сафарова Р. Лексик - семантик муносабатларнинг турлари.- Т.: Ўқитувчи, 1996.- 116 б.
14. Ўзбек тили атамашунослиги. //Ахборот 13-14 чиқарув. -Т.: Фан, 2002.

Рус тилидаги адабиётлар

15. Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии.М.,1973
16. Горелов В.И. Лексикология китайского языка.М.,просвещение.,1984
17. Даниленко В.П. О терминологическом словообразовании. ВЯ.,1973
18. Задоев Т.К, Хуан Шуин Осеовы китайского языка. М.,Наука.1986
19. Иванов В.В.Терминология и заимствования в современном китайском языке. М.,Наука.1973
20. Конрад Н.И. О китайском языке ВЯ.,1952
21. Реформатский А.А. Введении в языкознание.М.,1955
22. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. В книге «Вопросы терминологии», М.,1961
23. Семенов А.Л. Лексика китайского языка.М.,Муравей.2000
24. Семенов А.Л.Лексикология современного китайского языка
25. Смиринский А.И.Лексикология английского языка.М.,1966
26. Суперанская А.В.Общая терминология.М.,Наука 1981
27. О.П.Фролова «Словообразования современного китайского языка»-Новосибирск.Наука 1981.
28. А.А.Хаматова «Словообразования современного китайского языка»-М.Муравий.2003.81-бет
29. Яцюк Т.А.Терминология в лингводидактическом аспекте. Т.,1990.
30. Головин Б.Н., Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах.- М.: Высшая школа, 1987.- 220 б.
31. Даниленко В.П. Лексико-семантические и грамматические особенности

слов-терминов из книги “Исследования по русской терминологии”.- М.: Наука, 1971.- 123 б.

32. Лайонз Дж. Язык и лингвистика. – М.: УРСС, 2004. – 317 б.

33. Семенов А.Л. Некоторые особенности семантики сложения в изолирующих языках (К типологии семантических реляций) // Лингвистическая типология.- М., 1985.- 176 –177 б.

34. Суперанская А.В. Общая терминология: вопросы теории.- М.: Наука, 1989. – 235 б.

35. Цыкин В.А. Полуаффиксация в системе китайского словообразования.//Ж. Вопросы языкознания.- 1979. -№ 5.- 128 б.

Хитой тилидаги адабиётлар.

36. 周祖谟。汉语词汇辞话。北京。1959年

37. 李金斯。汉语词汇研究。2001年

38. 王李。基础汉语语法。1992年

39. 使用现代汉语语法。北京。2004年。

Луғатлар

40. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.М.,1966

41. Маъруфов З.М. Ўзбек тилининг изохли луғати.М.,1981

42. Хожиев А.Тилшунослик терминларининг изохли луғати.Т:Фан2002

43. 现代汉语词典

44. 汉俄词典。商务印书馆。2002-4-26

45. 汉俄分类词汇手册。Новый китайско-русский тематический справочник.2006

Интернет саҳифалари.

46.<http://www.china.date.ru>

47.<http://www.chinaview.org>

48.<http://www.oriental.ru>

49.<http://www.baidu.com>

50.<http://www.jahonnews.uz>

51.<http://www.silkroad.org>

ИЛЮБА

蚕的生活史

蚕是完全变态的昆虫,一个世代中要经过卵,幼虫(蚕),成虫(蛾)四个发育阶段.

卵期是蚕胚胎发生,发育,形成幼虫的阶段.桑蚕卵有滞育(越年卵)与非滞育(不越年卵)之分.滞育卵在产下后7天左右,当胚胎发育到一定程度时便停滞发育而进入滞育期.卵色也由刚产下时的淡黄绿色经淡茶褐色转为品种的固有颜色.胚胎在滞育期内形态变化很小,即使在适宜温度下也不会向前发育,必须经一定的条件(低温)解除滞育后,才能继续发育和孵化.故春制越年种到翌年春天孵化时,卵期长达300天左右;秋制种的卵期一般也有150-210天.而非滞育卵则不同,产卵后胚胎不断向前发育,在适宜的温湿度条件下,经10天左右便可孵化出幼虫,且卵色也无变化.

刚从蚕卵中孵化出的幼虫,体躯瘦小,呈黑褐色,全身密生刚毛,形似蚂蚁,称之为蚁蚕.蚁蚕通过食桑,不断摄取营养而生长发育,体色逐渐变浅而呈青白色.蚕生长到一定程度时,必须蜕去旧皮,换上新皮,才能继续生长,此称蜕皮.蜕皮期间蚕不食不动,称为眠.眠是蜕皮的过程,也是划分龄期的界限.蚁蚕食桑后称1龄蚕,第一眠后称2龄蚕,第二眠后称3龄蚕,依此类推.目前生产中所用蚕品种一般为四眠5龄.通常1-3龄的蚕称稚蚕(小蚕),4-5龄的蚕称壮蚕(大蚕).在适温条件下,各龄经过一般为:1龄-3-4天,2龄3天左右,3龄3-4天,4龄4-5天,5龄8-9天.整个幼虫期经过25天左右.

幼虫发育到最后一龄的末期,逐渐停止食桑, 体躯缩短, 胸部透明, 老熟为熟蚕. 熟蚕开始吐丝结茧. 一般经 2-3 天,吐丝结束后在茧内蜕皮化蛹. 蛹期不食不动, 经 13-15 天后羽化为成虫.

成虫交配产卵, 经 7 天左右自然死亡,桑蚕的一个世代就此结束.

Ипак қуртининг хаёт тарзи.

Қурт бутунлай метаморфоз кумурсқа,унинг умри тухум, личинка(қурт), ғумбак ва ёши катта кумурсқа(капалак) 4 та асосий ривожланиш босқичларини босиб ўтади.

Тухум вақтида ипак қурти эмбрион (зародыш) га айланади, ривожланади ва личинка босқичига айланади.

Ипак қурти тухуми ривожланишида тўхтатилган(йиллик тухум) ва тўхтовсиз ривожланадиган тухум (йиллик бўлмаган тухум) ларга ажратилади.

Ривожланишидан тўхтатилган тухум туғилишидан кейин 7 кун атрофида ривожланади,ўша пайт эмбрион ривожланиши аниқ бир босқичга етганда ривожлантиришдан тўхтатилиб, ривожланиши тўхтатилган вақтга киритилади. Янги туғилган пайтда тухум ранги оч сариқ-яшил рангда кейин тўқ жигарранг рангга айланади ва охирида сортининг табиий рангига киришади. Эмбрион ривожланишидан тўхтатилган вақтда тузилиши деярли ўзгармайди, ҳаттоки мос келадиган хароратда бўлганида ҳам ривожлана олмайди, ривожланишидан тўхтатилганлиги бекор қилингандан сўнг албатта бир аниқ шароитда (паст хароратда)бўлганидагина ривожланишини ва инкубациясини давом эттира олади.Баҳорда ишлаб чиқарилган йиллик

сорт кейинги йилнинг баҳори инкубация пайтигача сақланади, тухум 300 кун атрофида катта бўлади; кузда ишлаб чиқариладиган навнинг тухуми ҳам одатда 150-210 кунда катта бўлади. Ундан ташқари ривожланишидан тўхтатилмаган тухумнинг қоидаси ривожланишидан тўхтатилган тухумнинг қоидаси билан бир хил эмас, тухумни ишлаб чиқаргандан сўнг эмбрион тўхтовсиз ривожланиб боради, 10 кун атрофида , мос келувчи ҳарорат остида инкубациядан қурти(личинкаси) чиқади, бундан ташқари тухум рангги ҳам ўзгармайди.

Янги қуртнинг тухумидан чиққан личинка танаси озғин (қилтирик), тўқ жигарранг рангда бўлади, бутун танаси жунгли бўлади, тузилиши чумолидек, уни чумолили қурт деб номлашган. Кичкина қурт тут барги билан озиқланганидан кейин тўхтовсиз катталашиб ривожланиб боради, танасининг рангги секин-секин ўзгариб боради ва соф оқ рангга айланади. Қурт катталашишида аниқ бир босқичга етганда, албатта эски терисини туллайди, янгисига алмаштиради, шундагина ривожланишида давом эта олади, бу туллаш (линяние) деб номланади. Туллаш пайтида қурт озиқланмайди ва ҳаракатланмайди, бу ухлаш деб номланади. Ухлаш туллашнинг босқичидир, у ёшларга ажратилади. Кичик қурт тут баргини еганидан кейин 1 ёшли қуртга, биринчи ухлашидан кейин 2 ёшли қуртга , иккинчи ухлаганидан кейин 3 ёшли қуртга айланади ва х.к. Қуртнинг барча нави (сорти) ни одатда тўртинчи ухлашида яъни 5 ёшида ишлаб чиқарилади. Одатда 1-3 ёшли қуртни вояга етмаган қурт (кичик қурт) деб аташади. 4-5 ёшли қуртни кучли қурт (катта қурт) деб аташади. Мос келадиган ҳарорат остида ҳар бир ёши қуйидагича босиб ўтилади: 1-ёш 3-4 кун, 2-ёш 3 кун атрофида, 3-ёш 3-4 кун, 4-ёш 4-5 кун, 5-ёш 8-9 кун. Умумий личинканинг вақти 25 кун атрофида бўлади.

Личинка ривожланиб охирги ёшли босқичга етганида секин асталик билан барг ейишидан тўхтайди, танаси қисқаради(калталашади), кўкрак қафасининг рангги очаради(рангсиз) бўлади, қурт пишади. Пишган қурт ипак қусиб пилла ўрашни бошлайди. Одатда 2-3 кунда ўрайди, ипакни қусиши тугаганидан сўнг пилланинг ичида туллайди ва ғумбакка айланади. Ғумбак озикланмайди ва ҳаракатланмайди, 13-15 кундан кейин ғумбакдан капалак учиб чиқади. Капалак чатиштирилиб тухум ишлаб чиқарилади, 7 кун атрофида капалак табиий вафот этади. Ипак қуртининг умри шу тариқа якун топади.

**Пиллачилик терминлар луғати асосидаги
миқдорий таҳлил жадвали**

Композиция усули	Аффиксация усули (ярим аффиксация)
<p>薄皮茧 baopijian қорапўчоқ пилла 采茧 caijian пилла термоқ 蚕箔 canbo ипак қуртининг савати 蚕丝 cansi ипак толаси 蚕 sanwang ипак қуртининг сеткаси 蚕蛹 canyong ғумбак (куколка) 蚕纸 canzhi қоғозли съёмник 蚕种场 canzhongchang уруғ заводи (грнзавод) 雌蚕 cican урғочи курт 催青 cuiqing 拆开 chaikai очмоқ 打棉机 damianji момиқ чиқарувчи барабан 蛾口茧 ekoujian учи тешик пилла (перси) 发育 fayu жисмоний ривожланиш 孵化室 fuhuashi инкубация хонаси 覆盖 fugai ёпмоқ, тўшамоқ 复摇机 fuyaoji перемотка станок 公蚕 gongcan эркак курт 工业蚕 gongyucan саноат курти(жайдари курт) 工业茧 gongyejian саноат пилласи 烘茧 hongjian пиллани қуритмоқ 黄斑茧 huanbanjian неразмат пилла (брак пилла) 绢丝 juansi юпка ипак 交配 jiaopei чатиштирамоқ 鉴别 jianbie ажратмоқ 蚂蚁 mayi чумоли 眠蚕 miancan куртнинг ухлаши</p>	<p>蚕期 canqi ипак қуртининг мавсуми 蚕子 canzi ипак курти 蚕种 canzhong уруғ (грена) 成虫 chenchong катта кумурсқа (имаго) 大蚕 dacan катта курт 蛾子 ezi капалак 反转期 fanzhuanqi куртнинг ўзгариш вақти 废料 feiliao чиқинди 孵化 fuhua инкубация 工程师 gongchengshi инженер 盒子 hezi қути, яўик 茧子 jianzi пилла 架子 jiazi сўри 空气 kongqi ҳаво 龄期 lingqi ёш 卵子 luanzi тухум 农艺师 nongyishi аграрном 农业部 nongyebu қишлоқ хўжалиги вазирлиги 丝织品 sizhipin ипакли мато 升度 shendu ҳароратни оширмақ 湿度 shidu намлик 双宫茧 shuanggongjian гоу пилла (двойник) 温度表 wendubiao термометр 箱子 xiangzi қути 小蚕 xiaocan кичик курт 叶子 yezi барг 养蚕老师 yangcanlaoshi курт боқишни ўргатувчи устоз</p>

<p>母种原 muzhongyuan элита уруғнинг онаси 农场 nongchang ферма 农场主 nongchangzhu фермер 农田 nongtian дала 农庄 nongzhuang колхоз 牛棚 niupeng молхона 胚胎 peitai эмбрион(хайвонларнинг муртаги) 喷水 pengshui сув сепмоқ 漂白粉 piaobaifen оқартирувчи порошок 撒灰 sahui кул сепмоқ 桑蚕 sangcan ипак курти 桑树 sangshu тут дарахти 桑叶 sangye тут барги 缫丝厂 saosichang пиллакашлик фабрика (ипак игирувчи фабрика) 丝绸 sichou ипак 丝绵 simian ипакли пахта (момик) 饲养 siyang боқмоқ, кўпайтирмоқ 塑料布 suliaobu плёнка 上簇 shangcu пилла ўрамоқ 纱线 shaxian ип, калава 摄取 shequ сингдирмоқ, ўзлаштирмоқ 生丝 shengsi хом ипак 石灰 shihui кул 实验室 shiyanshi лаборатория 售茧 shoujian пиллани сотмоқ 收茧 shoujian пиллани қабул қилмоқ 甩干机 shuaiganji центрофуга 天蚕 tiancan капалак курти 天蚕蛾 tiansane павлиноглазка 通风 tongfeng шамоллатмоқ 吐丝 tusi ипак қусмоқ 蜕皮 tuipi тулламоқ, пўст ташлаш 喂养 weiyang боқмоқ</p>	<p>幼虫 youchong курт (личинка) 羽化 yuhua пат,перо 原种 yuanzhong элита урук (элитный гена) 杂交种 zajiaozhong гибрит урук 质检师 zhijianshi сифатни текширувчи мутахасис</p>
---	--

<p> 细纱 shaxian ип,калава 消毒 xiaodu дезинфекция 消特灵 xiaoteling хлор 雄蚕 xiongsan куртнинг эркаги 养蚕业 yangsanye ипакчилик 验血 yanxue анализ 蚁蚕 yican чумоли курт 翌年 yinian кейинги йил 蛹衬 yongchen одонка пилла 匀蚕 yuncan куртни ёймоқ 柞蚕 zuosan эман дарахтли курт 稚蚕 zhican кичкина курт 种蚕 zhongsan уруғлик курт(элитный) 中毒 zhongdu захарланмоқ 种茧 zhongjian уруғлик пилла 竹竿 zhugan бамбукли таёк </p>	
---	--

Қисқача хитойча - ўзбекча пиллачилик терминлари луғати

Bb

1.薄皮茧子 baorijian қорапўчок, пуч пилла
(юпка терисли пилла)

Cc

2.采茧 caijian пилла термок
3.蚕箔 canbo ипак қуртининг савати
4.蚕期 canqi ипак қуртининг
мавсумий пайти
5.蚕丝 cansi ипак толаси
6.蚕网 canwang ипак қурти сеткаси
7.蚕蛹 canyong ғумбак (куколка)
8.蚕子 canzi ипак қурти
9.蚕纸 canzhi қоғозли съёмник
(ипак қуртига
ишлатиладиган)
10.蚕茧 canjian пиллачилик
11.蚕茧站 canjianzhan пиллахона
12.蚕种 canzhong уруғ (грена)
13.蚕种场 canzhongchang уруғ заводи (грена заводи)
14.雌蚕 cican урғочи қурт
15.催青 cuiqing қуртнинг туғилиши
16.拆开 chaikai очмоқ
17.成虫 chengchong капалак(катта ёшли қумурсқа)

Dd

18.大蚕 dacan катта қурт
19.打棉机 damianji момик чиқарувчи барабан

Ee

20.蛾口茧 ekoujian учи тешик пилла (перси)
21.蛾子 ezi капалак

Ff

22.发育 fayu жисмоний ривожланиш

23.反转期	fanzhuanqi	ўзгариш вақти (қуртнинг)
24.方格簇儿	fanggecuer	қуртнинг қисқариши
25.废料	feiliao	чиқинди
26.福尔马林	fuermalin	формалин
27.孵化	fuhua	инкубация
28.孵化室	fuhuashi	инкубация хонаси
29.覆盖	fugai	ёпмоқ
30.复摇机	fuyaoji	перемотка станок
Gg		
31.公蚕	gongcan	қуртнинг эркаги
32.工程师	gongchengshi	инженер
33.工业茧	gongyejian	саноат пилласи
34.工业蚕	gongyecan	саноат курти (промышленный)
Hh		
35.盒子	hezi	ящик, кути
36.烘茧	hongjian	пиллани курутмоқ
37.黄班茧	huanbanjian	неразмат пилла (брак пилла)
Jj		
38.架子	jiazi	сўри (подставка)
39.鉴别	jianbie	ажратмоқ
40.茧子	jianzi	пилла
41.交配	jiaopei	чатиштирмоқ
42.绢丝	juansi	юпқа ипак
Kk		
43.克红素	kehongsu	пигмент
44.空气	kongqi	(бактерияга карши дори) ҳаво (воздух)
Ll		
45.冷藏库	lengcanku	музлатгичли омбор
46.龄期	lingqi	ёш (возраст)
47.卵子	luanzi	тухум
Mm		
48.蚂蚁	mayi	чумоли
49.眠蚕	miancan	қуртнинг ухлаши
50.灭蚕蝇	miesanying	қурт чивинига карши дори
51.母种原	muzhongyuan	элита уруғнинг онаси

		Nn	
52.牛棚	niupeng		молхона
53.农场	nongchang		ферма
54.农场主	nongchangzhu		фермер
55.农田	nongtian		дала
56.农业部	nongyebu		қишлоқ хўжалиги вазирлиги
57.农艺师	nongyishi		агроном
58.农庄	nongzhuang		ферма хўжалиги
		Pp	
59.胚胎	peitai		эмбрион (хайвонларнинг муртаги)
60.喷水	pengshui		сув сепмоқ
61.喷雾器	pengwuqi		пульверизатор
62.漂白粉	piaobaifen		оқартирувчи порошок
		Ss	
63.桑圆	sangyuan		тут плантацияси
64.撒灰	sahui		кул сепмоқ
65.桑	sang		тут
66.桑蚕	sangcan		ипак қурти
67.桑树	sangshu		тут дарахти
68.桑叶	sangye		тут барги
69.缫丝厂	saosichang		ипак игирувчи завод
70.丝绸	sichou		ипак
71.丝绵	simian		ипакли пахта (момик)
72.饲养	siyang		бокмоқ, кўпайтирмоқ
73.丝织品	sizhipin		ипакли мато
74.塑料薄膜	suliaobaomo		плёнка
75.塑料布	suliaobu		плёнка
76.上簇	shangcu		пилла ўраш(завивка)
77.纱线	shaxian		ип,калава,йигирилган ип (пряжа)
78.升度	shengdu		хароратни оширмоқ
79.摄取	shequ		сингдирмоқ,ўзлаштирмоқ
80.生丝	shengsi		хом ипак
81.湿度	shidu		намлик
82.石灰	shihui		кул
83.实验室	shiyanshi		лаборатория
84.售茧	shoujian		пиллани сотмоқ
85.收茧	shoujian		пиллани қабул қилмоқ
86.摔干机	shuaiganji		центропуга

87. 双宫茧	shuanggongjian	гоу пилла (двойник)
Tt		
88. 天蚕	tiancan	капалак курт(гусеница павлиноглазки)
89. 天蚕蛾	tiancane	павлиноглазка, павлиный глаз
90. 通风	tongfeng	шамоллатмоқ
91. 吐丝	tusi	ипак қусмоқ
92. 蜕皮	tuipi	тулламоқ, пўст ташламоқ
Ww		
93. 喂养	weiyang	боқмоқ, озиқлантормоқ
94. 温度表	wendubiao	термометр
Xx		
95. 细纱	xisha	ип, калава (пряжа)
96. 箱子	xiangzi	кути
97. 小蚕	xiaocan	кичик курт
98. 消毒	xiaodu	дезинфекция
99. 消特灵	xiaoteling	хлор
100. 雄蚕	xiongcán	эркак курт
Yy		
101. 验血	yanxie	анализ
102. 养蚕老师	yangcanlaoshi	курт боқишни ўргатувчи устоз
103. 养蚕业	yangcanye	ипакчилик
104. 叶子	yezi	барг
105. 蚁蚕	yican	ипак куртнинг кичкинаси (чумолисимон курт)
106. 翌年	yinian	кейинги йил
107. 蛹衬	yongchen	одонка пилла
108. 幼虫	youchong	курт (личинка)
109. 羽化	yuhua	пат, перо
110. 原种	yuanzhong	элита уруг (элитный гена)
111. 匀蚕	yuncan	куртни ёймоқ
Zz		
112. 杂交种	zajiaozhong	гибрит уруг
113. 柞蚕	zuocan	эман дарахтли курт (дубовый шелкопряд)

114. 稚蚕	zhican	кичкина курт
115. 质检师	zhijianshi	сифатини текширувчи мутахассис
116. 种蚕	zhongcan	уруғлик курт
117. 中毒	zhongdu	захарланмок
118. 种茧	zhongjian	уруғлик пилла
119. 竹竿	zhugan	бамбукли таёк
120. 制种	zhizhong	уруғ олиш (ишлаб чиқариш)

Пиллачилик терминларининг лексик-семантик таснифи

